
Фурқат туманида замонавий болалар ўйингоҳлари ва “Workout” спорт майдончалари фойдаланишга топширилди

Фурқат туманида кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларда болалар ўйингоҳлари ва спорт майдончалари ташкил этилмоқда. Бундай масканлар нафақат болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, балки саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмонан чиниқтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Шойимбек маҳалласи Ёшлар кўчасида жойлашган кўп квартирали уйларнинг атроф ҳудудидаги ноқонуний қурилмалари махсус техникалар ёрдамида бартараф этилиб, уйларнинг олд қисмидаги ер майдонларида Давлат дастури асосида болалар майдончаси барпо этилди.

Шунингдек давлат раҳбарининг “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5282-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Томоша маҳалла фуқаролар йиғинида “Workout” спорт майдончаларини барпо этиш ишлари жадал кетмоқда.

Қулай ҳамда замонавий шароитга эга ушбу масканларнинг фойдаланишга топширилгани нафақат шу ҳудудда истиқомат қилувчи балки, бу ерга келиб ўйнаётган қўшни маҳаллалар болажонларига ҳам олам-олам қувонч бағишламоқда.

2022-11-30 08:53:15